



Ислom Нури

Савол:

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Тафсири китобларида Хорут ва Морут тўғрисида жуда кўп хадислар келган. Бу хадисларнинг баъзиларини исноди ёмон эмас. Лекин фаришталар маъсум бандаларку! Умуман салаф олимларининг бу хадислар олдида тутган мавкеълари қандай? Жазакумуллоҳу хойрон.

Жавоб:

Бу ривоятларнинг барчаси исроилийётлардан бўлиб, ёлгон ва тўқимадир. Уларнинг баъзисини саҳих деган Ҳоким жарҳ ва таъдилда мутасохиллардан ҳисобланади. Хорут ва Морут ҳақиқатда фаришта бўлганлар, Аллоҳ уларни инсонларга сеҳр илмидан баъзи бобларни ўргатишлари ва бу илм билан инсонлар сеҳр билан нубувват ўртасидаги фарқни билишлари учун ерга туширган. Чунки, яҳудлар Сулаймон алайҳиссаломни сеҳргар деб даъво қилганлар. Уларнинг сеҳрни таълим беришлари имтиҳон учун бўлган шунинг учун ҳам улар таълим беришдан аввал сеҳрнинг қуфрлиги ва унинг ёмон оқибатларидан огоҳлантирганлар. Сўнгра каттиқ туриб олган кишиларга таълим берганлар.

Тафсиридаги бу каби исроилийётлар ва тўқима хадисларни билиш учун Муҳаммад ибн Муҳаммад Абу Шейбанинг номли китоби яхши қўлланмадир.